

Суҳбатдошингни таниб ол!

15:14 / 28.04.2017 2159

Алқама ибн Лабид ўз ўғлига шундай насиҳат қилди: “Эй ўғлим, агар одамларнинг суҳбатини соғинсанг, суҳбатлашганигда сени безайдиган, хато қилсанг ўнглаб қўядиган, қийин аҳволга тушиб қолсанг, ёрдам берадиган, гапирсанг, гапингни тасдиқлайдиган, агар бировни сўз билан тартибга чақирмоқчи бўлсанг, сўзингни қўллаб турадиган, бир яхшилик қилиш учун қўлингни узатсанг, у ҳам қўлини узатадиган, сендан бир яхшилик кўрса, тан олиб, ташаккур айтадиган, агар сендан унга бир ёмонлик етса, кечириб, айбингни яширадиган, ундан сенга ҳеч ёмонлик етмайдиган, сўзингга ҳеч қарши чиқмайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам сени ташлаб кетмайдиган киши билан суҳбат қур. Суҳбатлашадиган одамнингни аввалдан таниб ол!”

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан **Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси